O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.N

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 25 октябрь ШАНБА
№ 85 (12.096)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади
www.th.uz

25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни

## ОЗОД ЮРТ ПОСБОНЛАРИ

**Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг истиқлолни жиноий хуружлардан ҳимоя қилиш, ёш мустақил давлат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масъулияти ошди.**

**Ўтган йиллар давомида давлатимиз, жамиятимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй берди. Халқимиз онгу-шуурида мустақилликни мустаҳкамлашдек муқаддас туйғулар янада уйғунлашди. Бугун Юртбошимиз раҳнамолигида озод ва обод Ватанимиз узра эсаётган мустақиллик шабадаларидан баҳра олаётган ҳамюртларимиз эртанги ёруғ кунга комил ишонч билан яшамоқда. Мана икки йилдирки, 25 октябрь – мустақил диёримизда тинчлик ва осойишталикнинг қалқони бўлган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни, касб байрами сифатида нишонланмоқда.**



## МУКОФОТ МУБОРАК!

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ бир қатор юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари – фахрий унвонлар, орденлар ва медаллар билан тақдирланди.**

Кўп йиллик фидокорона меҳнатлари билан халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун мукофотланганлар орасида вилоятимиз вакили ҳам бор. Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими тезкор вакили Жасурбек Улуғбекович Абдуллабеков "Жасорат" медали билан тақдирланди. Биз уни чин дилдан табриклаймиз ва келгуси ишларида омад тилаймиз.

## ШОНЛИ АНЪАНАЛАРНИ БОЙИТИБ

**Мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида рўй берган воқеалар ички ишлар идоралари ходимларини ҳам жиддий синовдан ўтказди.**

Хизматни ҳамиша огоҳ ҳолда ўз қўрғони бутлиги, мустаҳкамлиги учун ақл-заковат билан ўташ баробарида эл-юрт осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, жиноятларни очиш ва жамоат тартибини мустаҳкамлашдек шарафли бурчни янада сергаклик билан адо этиш шарафли вазифага айланди. Бугунги кунда зиммаларидаги вазифаларини сидқидилдан бажариш билан бирга, жамиятнинг барча соҳаларида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларда ҳам ички ишлар идоралари ходимларининг муносиб ҳиссалари бор.

Ҳозирги кунда вилоят ички ишлар бошқармаси идора ва қуйи тизимларида ўз касбига, қасамёдга содиқ ходимлар хизмат қилишмоқда.

Ўтган йилларда вилоят ички ишлар идораларининг етмиш нафарга яқин ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотларига, орден ва медалларга сазовор бўлдилар. Бу ходимларимизнинг Ватан ва халқ олдидаги хизматларига берилган юксак баҳодир.

Хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган 43 нафар ходимнинг хотирасини абадийлаштириш учун бошқарма биноси олдида "Мотамсаро она" ёдгорлиги ўрнатилган. Анъанага кўра, ҳар йили 1 июнь – Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунида хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандлари учун ёзги дам олиш оромгоҳиларига имтиёзли йўлланмалар ажратилади. Мустақиллик байрами арафасида эса, янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан уларга мактаб ўқув қуроллари, моддий ёрдам берилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўртача ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 28 040 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 55 550 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 28 040 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 55 550 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 33 645 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2008 йил 22 октябрь.

## ЯНГИЙЎЛНИНГ «МАЗАЛИ НОНИ»

**Янгийўл тумани Халқобод қўрғонида иш бошлаган "Мазали нон" корхонасининг нон маҳсулотлари аҳолига манзур бўлмоқда.**

Германиянинг "Stenert Industries GmbH & Co. KG" компанияси "Мазали нон"нинг асосчиси бўлди. Ўтган йилнинг охирларида ўтказилган очиқ биржа савдоларида хориж компанияси банкротга учраган нон заводини сотиб олган эди. Бир ярим йил ичида банкрот заводнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ишлаб чиқариш майдонлари мукаммал реконструкция қилинди. Муҳандислик коммуникациялари алмаштирилди. Россиядан энг замонавий технологик линиялар ва асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатилди.

– Корхонамиз иқтисодиётни модернизациялаш бўйича давлат дастурининг бажарилишига, ички бозорда иқтисодий алоқаларни яхшилашга ҳисса қўшиш, қолаверса, қўшимча иш ўринлари яратиш орқали аҳолининг турмуш даражасини яхшилашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, – дейди "Мазали нон" масъулияти чекланган жамият раҳбари Андрей Король.

Корхонанинг қад ростлаши учун 1 миллиард 300 миллион сўм инвестиция маблағи киритилди. Ҳозир бу ерда 20 турда нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти. Иш жараёнлари 80 фоиз автоматлаштирилган бўлиб, кунига 20 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга.





Ҳозирча нон маҳсулотлари вилоят ва пойтахт аҳолисига етказиб берилаётир. Келгусида ишлаб чиқариш қуввати ва савдо кўламини ошириш бўйича янги лойиҳалар устида ҳам ишланади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, 4 йил ичида барча сарф-харажатлар ва киритилган сармоя ўзини қоплайди.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** (чапдан) Ҳабиба Мелибоева ва Турсуной Матумарова тайёрлаган нонлар ҳар доим мазали бўлади; технологик линия ҳаракатда.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонун мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари масъул ходимлари, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси, суғурта компаниялари, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Давра суҳбатида жорий йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан ўтказилган "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонун мониторинги натижалари атрофлича муҳокама қилинди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Таҳлил, мулоҳаза, таклиф

## ФЕРМЕРЛИК ҲАВАС ЭМАС, БУ – КАСБ

### дейди Бўка туманидаги «Камолот» фермер хўжалиги раҳбари Абдурашид Абдураҳмонов

Мана, уч ҳафтадирки, вилоятимиз аҳли ҳамон давлатимиз раҳбари билан жойларда бўлиб ўтган учрашув ва самимий суҳбатлар таассуроти билан яшаб, меҳнат қилмоқда. Фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари раҳбарлари ва фаоллар учрашувлар чоғида Юртбошимиз ўртага ташлаган таклифлар, йўл-йўриқларни қизғин ва манфаатдорлик билан муҳокама қилиб, келажак иш режаларини тузмоқдалар.

Биз республика Президенти билан учрашувларда бевосита иштирок этган бўкалик фермер Абдурашид Абдураҳмонов билан суҳбатлашдик.

– Биласизми, давлатимиз раҳбари ғоятда банд бўлишларига қарамай, вақт топиб, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари билан бевосита жойларга чиқиб учрашиб, суҳбатлашишлари ҳар жиҳатдан фойдали анъанага айланиб бораётгани мени жуда қувонтиради. Ўйлайманки, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юзага чиқаётган муаммоларни бевосита жойида, уларни ҳал этувчиларнинг ўзлари иштирокида муҳокама қилиш, ечимини аниқлаб олиб, ишга кўплашиб киришиш энг тўғри йўлдир. Ҳеч қандай муболағасиз айта оламанки, Юртбошимизнинг шу даражадаги ташаббускорлиги, жонкуярлиги, ғамхўрлиги биз, фермерларга, тадбиркору ишбилармонларга ўзгача руҳ, хуш кайфият ва янгича куч-ғайрат бахш этмоқда.

**– Айниқса, бу галги учрашув жуда кўтаринки ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтганлигини кўпчилик таъкидламоқда.**

– Менга қолса, буни учрашув эмас, балки дилдан суҳбат бўлди деган бўлур эдим. Аслида ҳам шуниси маъқул. Негаки, очиқ-ошкора суҳбат чоғида фикрлар юракдан чиқади. Ютуқлар ҳақида ҳам, камчилигу нуқсонлар ҳақида ҳам рўй-рост гапирилади, сабаблари бирма-бир айтилади. Уларни бартараф этиш таклифлари дадил ўртага ташланади.

Масалан, суҳбат чоғида мен айтдим. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз биз фермерларга қонуний асослардан тортиб имтиёзу имкониятларни керагича яратиб берди. Бизга фақат меҳнат қилиш қолди. Аммо фермерлар энди шунчаки эмас, ақл билан, ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилишлари керак. Энг муҳими, бугунгача эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмаслик лозим.

**– Сиз суҳбатларда қатнашдингиз, бевосита мулоқотда бўлдингиз. Айтингчи, давлатимиз раҳбари энг долзарб ва устувор вазифалар сифатида қайси масалаларга иштирокчилар эътиборини қаратди?**

– Фермер сифатида айтадиган бўлсам, менимча, суҳбатлар бошидан охиригача, асосан бир масала, яъни ернинг қадрига етиш, унинг умрини беҳуда ўтказмаслик устида борди. Муҳими ҳам шу-да, ўзи. Мен чет эллардаги фермерлик тузилмалари, уларнинг иш юритиш услубларидан бироз бўлсада, хабардорман. Финландия ва Малайзияда бўлиб, фермерлар иши билан танишиб, фикр алмашганман. Биласиз, чет элда ҳамма экин майдонлари фермерлар тасарруфида. Қувонарлиси шундаки, энди биз ҳам ана шу катта йўлга чиқиб олганмиз. Жамоа, яъни эгасиз ерлар бизда ҳам қолмади энди, ҳаммаси фермерлар қўлига ўтди.

Бевосита Юртбошимизнинг ташаббуслари, даъватлари ва ғамхўрликлари, ҳукуматимизнинг ҳар жиҳатдан амалий ёрдамлари туфайли шундай кунларга етиб келдик. Мен шуни комил ишонч ва ғурур билан айта оламанки, ҳозир бизда ҳам чет эл фермерларидан қолишмай, дадил одимлаётган, ернинг "танобини тортиб", олтинга тенг тупроғимизнинг нималарга қодир эканлигини амалда кўрсатаётган фермерлар оз эмас.

**– Давлатимиз раҳбари вилоят меҳнаткашлари билан дилдан суҳбат чоғида "Фермер – универсал деҳқон" деди...**

– Тўғри-да. Экин майдонларимизнинг ҳолати, экиннинг кўнгилдагидек ўсиб-ривожланиши, ҳосилнинг чўғи ва сифати биринчи галда фермернинг малакаси, билими, иқтидорига боғлиқ. "Ранг кўр – ҳол сўр" деганларидек, фермер учун қишлоқ хўжалигидан яхши хабардор бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Илмли-билимли ҳам бўлиши керак. Бусиз манаман деган фермер ҳам узоққа боролмайди.

(Давоми 2-бетда).

2009 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

